

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ НУРУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДАГИ  
ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации (DSc)**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences (DSc)**

**Турсунов Нурулло Нарзуллаевич**

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг моддий маданиятидаги трансформацион  
жараёнлар.....3

**Турсунов Нурулло Нарзуллаевич**

Трансформационные процессы в материальной культуре населения Южного  
Узбекистана.....35

**Tursunov Nurullo Narzullayevich**

Transformational processes in the material culture of the population of South Uzbekistan

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List publications.....

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ НУРУЛЛО НАРЗУЛЛАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИДАГИ  
ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3DSc / Tar 94 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) да жойлаштирилган.:

**Илмий маслаҳатчи**

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Улуғбек Сайданович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Убайдуллаева Барно Машрабжановна**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Расулова Зиёдахон Абдубориевна**  
тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университет**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Tar.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали). Тел.: (99876) 223-13-11; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43-уй).Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси билан).

**С.Т.Давлатова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Х.Э.Холмўминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н, доцент.

**Ш.Б. Шайдуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктор (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда содир бўлаётган этнографик жараёнлар XXI аср бошида аҳоли сонининг тез ўсиши, урбанизация жараёнларининг жадаллашуви ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши, моддий маданиятда этник хусусиятларнинг унутилаётганлигини тасдиқламоқда. БМТнинг 5 сессиясидаги “Минг йиллик саммити” ва ЮНЕСКОнинг 2001 йил “Маданий хилма-хиллик тўғрисида”ги умумжаҳон декларациясига мувофиқ дунё халқларининг маданий меросини ўрганиш, уларнинг этномаданияти, айниқса, моддий маданиятининг турли жиҳатларини ва трансформацион<sup>1</sup> жараёнларнинг шу минтақага хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим функционал вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг ривожланган Англия, Франция, Германия, Италия каби мамлакатларнинг йирик илмий тадқиқот марказлари томонидан XXI аср бошларида жаҳон халқлари ва миллатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини этнологик жиҳатдан ўрганиш борасида мукаммал лойиҳалар амалга оширилиб, трансформацион жараёнларни этнологик аспектда тадқиқ этиш асосида этносларни замонавийлашув тенденцияси омилларини аниқлаш ҳамда минтақа маданиятидаги трансформацион жараёнларга табиий-географик шароит, хўжалик юритиш услуби ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таъсирини тадқиқ этиш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Индиана университети - миллий таомларнинг хилма-хиллигини, Жон Хопкинс университети моддий ва номоддий маданиятнинг ривожланишини, Германиянинг Бонн университети - Амударё бўйи халқларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг глобаллашув жараёнини этнослар турмуш тарзи ва моддий маданияти ўзгаришига таъсирини аниқлашган.

Янги Ўзбекистонда аجدодларимиз қолдирган бой моддий ва маънавий меросни тиклаш ҳамда уни дунё жамоатчилигига етказиш борасида моддий маданиятимизни жаҳон маданиятининг ноёб дурдонаси тарзида талқин этиш, моддий маданият фондини сақлаш, таъмирлаш, тиклаш, бойитиш ва муайян тизимга келтириш, замонавий моддий маданиятни янада кенгроқ тарғиб этиш, ривожлантириш ва турли минтақаларда моддий маданият намуналарининг электрон базасини яратишга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, “Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур”<sup>2</sup>. Шу боисдан бугун ҳудуд аҳолиси моддий маданияти намуналарини этнологик нуктаи назардан халқ мероси ва анъанавий маданиятнинг феномени тарзида тадқиқ қилиш ҳамда моддий маданият

<sup>1</sup> Трансформация (лот.)-ўзгартириш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик, 4-ж.-Т.: Ўз МЭДИН, 2008.-Б.-168.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь // <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

трансформациясига доир тадқиқотларни жонлантиришга зарурат сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 1 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон “Қурилиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сон “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари<sup>4</sup> ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши - нинг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли дастурий йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий, иқтисодий ва маданий муҳит масалаларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи институтлари ва илмий марказлари томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, АҚШнинг Индиана университети томонидан олинган тадқиқотларда миллий таомларнинг хилма-хиллиги хўжалик-маданий типлар ва табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланган (Indiana University Bloomington, АҚШ); Жон Хопкинс университети (Johns Hopkins University, АҚШ) тадқиқотларида моддий ва номоддий маданиятнинг ривожланиш омилларининг археология, антропология ва этнография фанларидаги инъикоси аниқланган бўлса, Марказий Осиё халқлари маданияти, дини, маънавий ҳаёти, айниқса тилини ўрганувчи махсус марказ (Center for Languages of the Central Asian Regions (CeLCAR) фаолияти Жанубий Ўзбекистон моддий маданиятини ўрганишда муҳим роль ўйнамоқда. Шарқий Вашингтон университети (Eastern Washington University) олимлари

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. 4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи”. Т., 2017 йил 8 феврал.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. Т., 2018-2020 йиллар

томонидан олиб борилган тадқиқотларда минтақа халқлари ашёлар дунёсининг амалий хусусиятлари, хусусан, уларнинг табиий муҳитга боғлиқлиги илмий асослаб берилган; Германиянинг Бонн университети (Universitat Bonn) олимлари сўнгги хонликлар ва совет даврида Амударё бўйи халқларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини илмий таҳлил этишган; Буюк Британиянинг Кэмбридж университети олимлари (RSAA, University of Cambridge) Марказий Осиё халқлари моддий маданияти кўринишлари асосида ижтимоий ва қариндошлик алоқаларини қисман ўрганишган; Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти олимлари анъанавий ва замонавий моддий маданиятлар уйғунлиги, уларнинг ўзаро симбиози ҳамда трансформацияси, этнослар турмуш тарзининг моддий маданиятига таъсирини ўрганиш орқали ўзбек халқининг этномаданияти масалалари илмий асосланган; Франция Антропология жамияти (Centre d'anthropologie des mondes contemporains) томонидан глобаллашув жараёнини этнослар турмуш тарзи ва моддий маданияти ўзгаришига таъсири аниқланган<sup>5</sup>.

Юқорида қайд этилган хорижий илмий-амалий тадқиқотларда этномоддий маданиятга оид манбаларни ёритиш жараёнида Ўзбекистон ҳудудига тааллуқли этномаданий жараёнларга ҳам алоҳида эътибор берилган бўлиб, халқимизнинг моддий маданий ҳаётини, унинг даврий жиҳатдан амалга оширган уй-жой қурилиши, деҳқончилик, чорвачилик, озиқ-овқат ва хўжалик соҳасидаги этномаданий турмуш тарзига оид маълумотларни таҳлил этишга ҳаракат қилинганлигини аниқлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг моддий маданиятида кечган трансформацион жараёнларни этнологик аспектда ўрганиш масаласи хорижий тадқиқотларни янада кенгроқ тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, хорижий ва маҳаллий илмий тадқиқотларни таққослаш асосида ечимини топаётган муаммоларни ижобий ҳал қилиш зарурияти муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиё халқларининг моддий маданиятини ўрганишда қадимда яратилган “Авесто” асари, ўрта асрлар намоёндалари Абу Райҳон ал-Беруний ва З.М.Бобурнинг<sup>6</sup> асарлари методологик асос сифатида хизмат қилади.

Жанубий Ўзбекистон аҳолиси моддий маданиятини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар Ўрта Осиё Россия империяси мустамлакасига айлантирилгандан сўнг XIX аср охири - XX аср бошларига оид манбалар қаторида А.Бёрнс,

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича чет эл институтлари ва марказларидан олинган маълумотлар: <https://rsaa.org.uk>, Economic culture and its dependence on the natural environment. Research University of Indiana Bloomington <https://www.indiana.edu>; Agriculture factors of its development. Research Institute Central Asia and Caucasus of Johns Hopkins University <https://www.jhu.edu>; De laatste k hansen de sociaal-economische relaties van de mensen van de Amudarya tijdens het Sovjettijdperk. Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universitat Bonn. <https://www.zef.de>, (amudarya O.htm); <https://rsaa.org.uk>, Этнология ва антропология институти [ica-ras.ru/index.phpgo](http://ica-ras.ru/index.phpgo) Structure&id11&in=view/; Абелес М. Об антрапологии во Франции//ЭО.- 2005.-№2.-С.69-74; [uzhisoru.uz](http://uzhisoru.uz).

<sup>6</sup> Авеста. Яшт китоби. Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудалар шаънига айтилган алқовлар.(М. Исҳоқов таржимаси). Тошкент: Шарқ, 2001. 128 бет., Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.- Т., т.І. “Фан”, 1968.-488 бет., Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.-Т.: Юлдузча, 1989.-367 бет.

А.Вамбери, Н.Хаников, Н.А.Маев, Мирзо Салимбек, А.Г.Ананьевларнинг<sup>7</sup> ишларини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотларда ўзбеклар турмуш тарзи ва анъаналарини ўрганиш бўйича дастлабки этнографик изланишлар шахсий кузатувлар асосида яратилган бўлиб, маълумотлар тизимли тарзда таҳлил этилмаган.

Совет даврида нашр этилган илмий ишларда миллий маданиятни баҳолашда коммунистик мафкуравий ёндашувга асосланган ва эмпирик характердаги тадқиқотларга Л.П.Потапов, Н.Г.Борозналарнинг<sup>8</sup> тадқиқотлари кирган.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида тадқиқот иши мавзусида маҳаллий ва хорижий мутахассислар томонидан яратилган нашрларда турли ёндашувлар асосида К.Шониёзов, И.Жабборов, А.Аширов, Mehdi Parvizi, М.Абелс, О.А.Горшуноваларнинг<sup>9</sup> тадқиқотларида илгари сурилган илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Хуллас, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар илмий ишларининг минтақа аҳолиси моддий маданияти трансформацияси махсус илмий муаммо тарзида таҳлил этилмаган. Шу боис, Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг моддий маданияти трансформациясининг тадқиқ қилиниши долзарб илмий аҳамиятга эга. (Тадқиқотнинг ўрганилиш даражасида ҳақида диссертациянинг 1.2.- қисмида батафсил маълумот берилган).

**Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва этномаданий жараёнларнинг этнологик таҳлили” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) аҳолисининг моддий маданиятида кечган трансформацион жараёнларни этнологик аспектда очиқ беришдан иборат.

---

<sup>7</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару в 1831, 1832 и 1833 годах. Ч.1.-М.: 1848; Ч.2.1848; Ч.3.1849., Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства.-СПб., 1876.-532 с., Вамбери А. Очерки по Средней Азии.-СПб.,1865; Он же. Путешествие в Бухару.-М., 1886. -С. 112-174., Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Ежегодник.-СПб., 1879. Вып.V.- 382 с., Мирза Салимбек. Тарих-и Салими-Ташкент: Академия, 2009.-330 с., Ананьев А.Г. Орошение Шерабадской долины водами реки Сурхана.-Ташкент, 1911.-56 с.

<sup>8</sup> Потапов Л.П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков “Кунград” // Научная мысль. -Ташкент - Самарканд, 1930.-С.37-57., Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана.-М., 1966.-С.91-120.

<sup>9</sup> Шониёв К.Ш. Қарлук давлати ва қарлуқлар.-Т.: Шарқ, 1999.-192., Жабборов И.М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар).-Т.: Фан, 2003., Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Тошкент: “Миллий кутубхона нашриёти”, 2008., Mehdi Parvizi. Amineh. Henk Houweling. Central Eurasia in Global Politics Conflict, Security, and Development. Brill- Leiden - Boston. 2005. P. 100., М.Абелс. Об антропологии во Франции // ЭО. 2005. -№2. -С. 69-74; [uzhisoru.uz](http://uzhisoru.uz), Горшунова О.В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений (конец XIX-конец XX века) // Этнографический обозрение.-2001.-№5.-С.21-22.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишда минтақадаги маиший бино ва иншоотларининг вазифавий мақоми даврий жиҳатдан трансформацион жараёнларини этнологик аспектда тадқиқ этиш;

минтақа аҳолиси кийим-кечакларида анъаналар эволюцияси, замонавийлашув омилларини ҳамда уларнинг ўзаро симбиозини тадқиқ этиш, тақинчоқлар, безак ва пардоз-андозларда анъанавийлик ҳамда модернизациялашув жараёнларини ўрганиш;

воҳадаги озиқ-овқат технологиясига доир жараёнларнинг этнологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг кундалик маиший турмушида қўлланиладиган уй-рўзғор анжомларининг трансформацион ва анъанавий жиҳатларнинг замонавийлашув тенденцияси омиллари ҳамда функцияларини этнологик нуқтаи-назардан текшириш;

минтақа маданиятидаги трансформацион жараёнларга табиий-географик шароит, хўжалик юритиш услуби ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таъсирини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси моддий маданияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни минтақада содир бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар таъсирида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси моддий маданиятида кечган трансформацион жараёнларнинг қонуниятлари ҳамда этнологик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда этнологик-изчиллик, ретроспектив таҳлил, қиёслаш, структуравий суҳбат, этнографик кузатув, анкета сўровномаси ўтказиш ва бошқа тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Россия, совет ва мустақиллик йилларида минтақада юз берган ўзига хос маиший бино ва уй-жойларни қурилиши, тоғ, тоғ олди, дашт, чўл уйлари ва иншоотлари, тошлойли, ёғочғулали, ўтов, ер том, чайла, пахсали, хом ғиштли, пишиқ ғиштли, бетонли уй турлари, уларнинг вазифавий мақоми, тузилиши, қурилиш усули, хом-ашё манбалари, безалиши, бинолар билан боғлиқ удумларни трансформацияга учрагани этнологик-изчиллик, ретроспектив усуллар асосида очиб берилган;

минтақа аҳолиси кийим-кечакларини, тақинчоқларини, матоларни, ип ва ранг тайёрлаш усуллари, ёнғоқ, ўрик, руян, анор, гилосдан буёқ олиш, заргар, каштачи, қуроқчи гузарларида ва сурхонча безакларида сарик, қизил, қора ранглари анъанавийлик ва эволюцион жараёнлардаги ўзгаришлар, унинг бошқа ҳудудлардан фарқ қилувчи хусусиятлари ва этнологик жиҳатларининг ўзига хослиги аниқланган;

минтақа аҳолисининг уй-рўзғор анжомларини тайёрлашдаги моддий манбалари, ҳунармандлар томонидан яратилган ёғоч-уймакорлигига хос ошхона асбоблари, ўчоқ ва тандир билан боғлиқ анжомлар ва уларнинг

турлари, ишлатиш усуллари, минтақавий ўзига хослиги, фарқлари трансформацион ва анъанавий жиҳатлари замонавийлашув тенденцияси омиллари ҳамда функциялари этнологик нуктаи-назардан далилланган;

минтақага хос сутли, хамир, дуккакли, донли, сабзоват, мева, гўшти, парранда маҳсулотларидан таомларлар тайёрлаш усуллари, бошқа ҳудудларда учрамайдиган ёрма, атала, шўропатир, филминди, кесканош, тоштанدير нон, танدير гўшт, чупонча каби таомларни яратиш технологияси, истеъмол маданияти, европа таомларини кириб келиши ва анъанавий миллий таомлар билан синтезлашуви асосида трансформацияга учраганлиги исботланган;

воҳадаги трансформацион жараёнларига хос табиатдаги ўзгаришлар, яъни фасллар, ойлар, ҳафталар, кунларга оид бошқа минтақаларда учрамайдиган ҳолатлар, кўёш, ой, юлдузлар билан боғлиқ ўзгаришларни табиий-географик шароитга таъсири, деҳқончилик, чорвачилик, хунрмандчиликда қўлланилиши хўжалик юритиш услубига ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жанубий Ўзбекистон минтақасининг табиий иқлим шароити, географик ўрни, аҳолининг хўжалик фаолияти, турмуш тарзи моддий маданиятининг шаклланишига хизмат қилади;

трансформация таъсирига доир илмий-назарий маълумотлар этнология, этнография, антропология, тарих каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мазмунан бойишига хизмат қилади;

халқаро туризм, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг этномаданий жараёнларига таъсирига оид альбомлар, буклетлар, телерадио, ҳужжатли видеофильмлар, электрон ўқув қўлланмалар яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Миллий ва халқаро илмий анжуманлардаги маърузалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган илмий журналлар ва тўпламларда чоп этилган мақолаларда акс эттирилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек, тарихий фактлардан фойдаланганлиги, бирламчи илмий манбалар, дала материаллари, этнографик адабиётлар, архив ҳужжатлари ва статистик маълумотларга асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек этнографияси, этнологияси ва антропологияси доирасидаги янги тадқиқотлар учун Жанубий Ўзбекистон аҳолиси моддий маданиятида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар симбиоз, шунингдек, тадрижий ўзгаришларга доир назарий маълумотлар тарих, этнология, маданиятшунослик, тарихий ўлкашунослик, ўзбек халқи этнографиясининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса олий таълимда, “Жаҳон этнологияси”, “Ўзбекистон тарихи” “Маданиятшунослик”, “Тарихий ўлкашунослик” каби курсларни ўқитиш, мазкур фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича эришилган назарий хулоса ва амалий таклифлардан қуйидаги инновацион лойиҳаларда фойдаланилган:

минтақанинг моддий маданиятига оид этнологик назарий концепциялар асосида Россия, совет ва мустақиллик йилларида минтақада юз берган ўзига хос маиший бино ва уй-жойларни қурилиши, вазифавий мақоми, тузилиши, қурилиш усули, турлари, хом-ашё манбалари, безалиши, бинолар билан боғлиқ удумларни трансформацияга учрагани этнологик-изчиллик, ретроспектив усуллар ҳақидаги маълумотлардан “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва этномаданий жараёнларнинг тарихий-этнологик таҳлили” (2010йил 25 февралдаги №-И-2010-33 сонли маълумотнома) “Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи” (2012 йил 23 февралдаги И-2012-40 сонли маълумотнома), “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи” (2015 йил 5 январдаги И-2015-1-26 сонли маълумотнома) ва 2018 йил 4 январдаги ИЗ-2070927504 рақамли - “Сурхондарё вилояти тарихий экотуризм салоҳияти” илмий-амалий лойиҳасида фойдаланилган ва тадқиқ этиш бўйича қўлга киритилган натижалар, илмий хулоса ва таклифлар кенг оммага тақдим имконияти яратилди;

минтақа аҳолиси кийим-кечаклари, тақинчоқлари ва безакларида анъанавийлик ва эволюцион жараёнлардаги ўзгаришлар, унинг бошқа ҳудудлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари этнографик кузатиш асосида этнологик жиҳатдан қиёслаш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлардан Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг моддий маданиятига оид тадқиқот натижаларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги “Замонавий талабларга жавоб берувчи ва мустақиллик ғоялари асосларига мос келувчи Ўзбекистон тарихи музейини реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида музейнинг Ўзбекистон тарихининг қадимдан ҳозирги кунгача бўлган даврига оид экспозициялар қисмининг “XIX-XX асрларда Ўзбекистон” бўлимини экспозициясини янги этнографик моддий ашёлар билан бойитишда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2020 йил 7 октябрдаги 3/1255-2152-сонли маълумотномаси). Шунингдек, дала тадқиқотлари томонидан тақдим этилган материалларни илмий ўрганиш асосида қўлга киритилган натижалар музей экспонатларда намоиш этиш учун тақдим қилади;

Ўзбекистон тарихи давлат музейига тақдим этилган Жанубий Ўзбекистон аҳолиси моддий-маданиятини ўзида акс эттирган тарихий-этнографик буюмлар, минтақа аҳолисининг ҳаётида ишлатиладиган сўзана, рўмол, чойшаб-гулкўрпа, зардевор, келин чойшаби, эркак ва аёлларнинг бош

кийимлари ўзбек халқининг маданий меросини сақлаб қолиш бўйича тўпланган маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали минтақадаги аҳолининг моддий маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар ечими кенг жамоатчиликка етказиб берилган (Ўзбекистон тарихи каналининг “”Такдимот”” номли кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилди 2020 йил 20 мартдаги 02-40-1179-сонли маълумотномаси). Такдим этилган манбалар асосида моддий маданиятимизнинг ҳолати, сақланиши, тикланиши ва ривожланиши тарихи тўғрисидаги маълумотлар халқимиз тасаввурларини бойитишга хизмат қилади;

минтақа аҳолисининг уй-рўзғор анжомларини тайёрлашдаги моддий манбалари, хунармандлар томонидан яратилган ёғоч-уймакорлигига хос ошхона асбоблари, мискарлик, туникасозлик, пичоқсозлик, тандир билан боғлиқ анжомлар ва уларнинг турлари, ишлатиш усуллари, минтақавий ўзига хослиги, фарқлари трансформацион ва анъанавий жиҳатлари замонавийлашув тенденцияси омиллари ҳамда функцияларига тааллуқли маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастурининг VII боб, 27-банди ижроси юзасидан “Биз буюк алломалар фарзандларимиз”, 29-банди ижроси юзасидан “Юртим тарихини ўрганаман”, “Юртим бўйлаб ўн кун саёҳат” каби лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасида диссертация маълумотларидан фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 22 июндаги 02/07-579-рақамли маълумотномаси). Бу эса халқимизнинг моддий маданиятига оид маънавий-маърифий билимларини тарғиб этишда янги материаллар учун асос бўлиб хизмат қилади;

минтақага хос сут, сутли, хамир, дуккакли, донли, сабзоват, мева, гўшти, парранда маҳсулотларидан таомлар тайёрлаш усуллари, таркиби, технологияси, истеъмол маданияти, европа таомларини кириб келиши ва анъанавий миллий таомлар билан синтезлашуви асосида трансформацияга учраганлигига оид маълумотлардан Сурхондарё вилоятидаги тожик ва туркман миллий-маданий марказлари билан ҳамкорликда 2017, 2018, 2019 йилларнинг март ойида ўтказилган Наврўз умумхалқ байрами тадбирларида, юртимизда оилавий қадриятларни ва маҳаллалар тарихини ўрганишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 30 июндаги №01-07-842-сонли маълумотномаси); Тадқиқот жараёнида миллий марказлар учун такомиллаштирилган ўқув қўлланмалари яратиш илмий жиҳатдан бойитилишига хизмат қилади;

воҳадаги трансформацион жараёнларига хос табиатдаги ўзгаришлар, яъни фасллар, ойлар, ҳафталар, кунларга оид бошқа минтақаларда учрамайдиган ҳолатлар, қўёш, ой, юлдузлар билан боғлиқ ўзгаришларни табиий-географик шароитга таъсири, деҳқончилик, чорвачилик,

хунрмандчиликда қўлланилиши хўжалик юритиш услубига ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсирига тааллуқли маълумотлардан “Обод маҳалла” тамойили асосида маҳаллалар, кўчалар ва хонадонларни обод ва кўркем масканга айлантириш бўйича белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш учун амалиётда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги 2020 йил 30 июндаги №02-06/153-сонли далолатномаси). Натижада йўқолиб бораётган анъанавий уй-жойларнинг ижобий томонларини ўрганиш ва ҳудуд моддий маданиятини сайёҳлар ўртасида оммалаштиришда муҳим илмий асосланган назарий ва амалий жиҳатлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган: “Бойсун баҳори”-миллий маънавиятимиз дурдонаси (Бойсун, 2017), “Бойсун баҳори”-моддий ва номоддий маданиятимиз дурдонаси” (Бойсун, 2018), International scientific conference V “Global science and innovations 2019: Central Asia” (Astana, Kazakhstan, march 2019), “Паёми донишканда. Вестник института Herald of institute” (Таджикский педагогический институт, Пенджикент, 2019), Monografia pokonferencyjna science, Research, development. Valletta (Republic of Malta, 2018).

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича муаллиф томонидан 43 та илмий иш, жумладан 2 та монография, 2 та ўқув қўлланма чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 31 та (20 та республика ва 11 та хорижий журналларда) мақола, 8 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 258 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги белгилаб олинган. Мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби- **“Мавзунинг назарий асослари, манбашунослик ва тарихшунослик таҳлили”** деб номланган. Унинг биринчи параграфи **“Тадқиқотнинг назарий асослари”** деб номланган. Унда

мавзуни тўлароқ ёритиш мақсадида илгари сурилган назариялар, хусусан детерменизм, эволюционизм, диффузионизм, функционализм, структурализм назариялари ҳақида умумий маълумот берилди<sup>10</sup>.

Моддий маданиятнинг шаклланиши ва унинг доимо ўзгариб туриши (трансформацияси) да азалдан ўша турлар жойлашган муҳит ва жой муҳим рол ўйнаган. Бу борада географик детерменизм назариясига кўра, географик муҳит маданият элементлари тузилишини белгиловчи бош омилдир. Бу назариянинг вакиллари Ш.Л.Монтескье ва Л.И.Мечниковлар географик муҳитни кишилиқ маданияти белгиларини ўзгартирувчи кучдир, дея қарашган<sup>11</sup>. Маълумки, географик муҳит турар жойлар моддий маданияти ўзгаришининг сабабларидан бири бўлган. Қадимги одамлар макон танлашда яшашга қулайроқ ҳудудларни танлашган. Масалан, Сурхон воҳасидаги Панжоб, Сайроб, Шўроб ва бошқа қишлоқларнинг географик жойлашиши бу фикрни исботлайди. Шу боисдан ушбу минтақаларда яшовчи аҳоли моддий маданиятида аҳоли жойлашган географик муҳит муҳим рол ўйнаган.

Моддий маданият турларининг трансформациясида XX асрда янада ривожланган эволюционизм ғояси алоҳида ўринга эга<sup>12</sup>. Эволюция-такмил, аста-секин ривожланиш маъносини англатади<sup>13</sup>. Ушбу ғоя тарафдорлари (Л.Морган, Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрезер ва бошқалар) инсоният жамияти ривожланишидаги умумий қонуниятлар турли халқлар маданиятларининг ривожланиши билан белгиланади, деб ҳисоблашган<sup>14</sup>. Масалан, Эдуард Тайлор тарихий ва табиий катализатор натижасида маданиятдаги регрессив ўзгаришларни рад этмаса ҳам, ҳар ҳолда инсоният тарихидаги асосий йўналиш маданиятнинг эволюцион ривожланишидир, деб таъкидлайди<sup>15</sup>.

Халқларнинг моддий маданияти излари ва ҳўжалиқ-турмуш тартибларининг доимо ўзгариб туриши туфайли, уй-жойларнинг аста-секинлик билан трансформация<sup>16</sup> га учрашига ва ана шу ўзгаришларга мослашиб боришига олиб келган.

Диффузионизм назариясининг асосчиси Фридрих Ратцель (1844-1904) ҳисобланади. У халқларни бир-бирлари билан боғловчи ҳалқа-бу уларнинг маданияти, деган ғояни олға сурди. Унинг фикрича, халқлар қўшилиши, тиллар йўқолиши мумкин, фақатгина маданият ашёларигина ўз

<sup>10</sup> Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология.-М.: "Академия", 2000.-С.31-32.

<sup>11</sup> Монтескье Ш.Л. Изб. О произведениях.-М., 1955. С.35; Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки.-М.,1995.-С.273, 328-329.

<sup>12</sup> Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2007. -Б.51.

<sup>13</sup> Эволюция-(лотинча. Evolutio-авж олдириш)-табиат ва жамиятдаги ҳаракат формулаларидан бири; муайян шароитларда сакраш, тадрижиёт, аста-секин амалга ошадиган сифат ва микдор ўзгариши. Қисқача сиёсий лугат.-Т.: Ўзбекистон, 1983.-Б.392.

<sup>14</sup> Морган Л.Г. Древнее общество или исследование линий человеческого прогресса от дикости через варварство к цивилизации (пер.с англ.) -Л., 1934; Тайлор Э.Б. Антропология / введение к изучению человека и цивилизации (пер.с.англ.И.С.Ивине. Изд.3-е).СПб., 1908 ; Фрезер Дж. Золотая ветвь: Исслед. магии и религии (пер. с англ. 2-изд-е).– М., 1986.

<sup>15</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. -М.: Политиздат, 1989. -С.5-13; Taylor E.B. Primitive culture.V.1-2.L., 1871.

<sup>16</sup> Трансформация (лотинча, transformatio – ўзгартириш, қайтадан тузиш) каби маъноларни англатади.

кўринишларини йўқотмайди, улар ўзга ҳудудларга тарқалиб этномаданий алоқалар таъсирида аста-секин ўзгариб боради<sup>17</sup>.

Ратцель моддий ашёлар маданиятнинг бошқа кўринишларига караганда, ўз шаклларини узоқ вақт сақлаб қолади, шу сабаб ўз тарқалиш ҳудуди доирасида тез оммалашади, деган ғояни билдирган<sup>18</sup>. Бу назария тасдиғи сифатида ҳудудга подшо Россияси истилосидан сўнг уй-рўзгор буюмлари, матоларининг Туркистон ўлкасига кириб келиши, уларнинг маҳаллийларига нисбатан арзон ва сифатли бўлиши, ўлка бўйлаб кенг тарқалиши маҳаллий хунармандларнинг касод бўлишига олиб келганлиги билан изоҳланади. Ёки Европадан турли сабзавотлар (картошка, карам, баклажон, булғор қалампири) ва ҳоказоларнинг Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқалиши ва оммавийлашуви бу фикрни исботлайди.

Функционалистик назария немис олими Рихард Турнвальд томонидан яратилган<sup>19</sup>. Мазкур назария намояндаларидан Бронислав Малиновскийдир<sup>20</sup>. Бу назарияга кўра, маданият шахснинг биологик хусусиятлари маҳсули бўлиб, одам аввало ўзининг табиий-физиологик эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у ўзи учун уй-жой барпо этади, кийим-кечак, озиқ-овқат тайёрлайди. Ҳар хил маданиятлар орасидаги асосий фарқ бу-одамларнинг элементар эҳтиёжларини қондириш усулларидаги тафовутдир<sup>21</sup>.

XX аср бошларида кийим ва тақинчоқларнинг бадий белгиларини таҳлил этишда, асосий одамлар эътиборни предметларнинг бадий-образлилик томонларига, яъни тақинчоқларнинг классификациясига, даражаларга бўлиниши ва уларнинг вазифаларига қаратишган<sup>22</sup>. Масалан, Сурхондарё кўнғиротларнинг каштачилигида асосан геометрик шакллар кенг қўлланилган<sup>23</sup>.

XX асрнинг 50-йилларида инглиз олими Альфред Рэдклифф-Браун структурализм назариясининг асосчиси ҳисобланади. Рэдклифф-Брауннинг фикрича, “Этнологиянинг вазифаси кишилик жамиятида, маданиятида содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар сабабини аниқлаш эмас, балки уларда доимий қайтариб туриладиган тизимли алоқаларни кўрсатишдан иборат”<sup>24</sup>.

<sup>17</sup> Ратцель Ф. “Народоведение” (перевод со второго, совершенно переработанного немецкого издания, с разрешения издателей подлинника, с библиографическим указателем и дополнениями Д.А.Коропчевского.) С.-Петербург, Книгоиздательское Т-во Просвещение.-С.5.

<sup>18</sup> Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. Учебник для высших учебных заведений. -М., Academia, 2000. -С.41.

<sup>19</sup> Thurnwald R. Die menschliche Gesellschaft in ihren ethno-soziologischen Grundlagen. Repräsentative Lebensbilder von Naturvölkern. 12 Taf. 12 Textbilder. 308 S. Berlin u. Leipzig: Walter de Gruyter. 1931-2.

<sup>20</sup> Ashirov A. Etnologiya. O'quv qo'llama.-Toshkent: Yangi nashr. 2014.- B. 91-92.

<sup>21</sup> Емельянов Ю.Н. Основы культурной антропологии.-СПб., 1994.

<sup>22</sup> Земпер Г. Практическая эстетика.-М., 1970.-С.-320; Знаковые функции народной одежды мордвы: учеб. пос. Саранск, 2002. -С.68.

<sup>23</sup> Бинафша Нодир. Сурхондарёлик кўнғирот аёлларининг миллий либослари // San'at.- 2002.№3.- Б.27; Писарчик А.К. Узорная тесьма // Народно-декоративное искусство Советского Узбекистана. -Т., 1954.-С.175.

<sup>24</sup> Рэдклифф-Браун А.Р. Структура и функция в примитивном обществе. Очерки и лекции. Пер. С англ.-М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 2001.-304 с., Садохин А.П., Грушевицкая Т.Г. Этнология. -М.: “Академия”, 2000.-С.66-69.

Францияда этнолог Клод Леви Стросснинг структурализм ғояси муҳим методологик аҳамиятга эга. Унинг структуравий лингвистик методи орқали маданиятнинг у ёки бу тизимини акс эттирувчи рамз-белгилар тизимини яратиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси муҳим жиҳатга эга<sup>25</sup>. Минтақа аҳолисининг моддий маданияти табиий географик муҳит ва жамиятнинг тузилишидаги ўзгаришлар таъсирида ривожланиб борган. Шу сабаб ишда географик детерминизм<sup>26</sup> ва структурализм<sup>27</sup> назарияларидан фойдаланилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда этнологик йўналишдаги илмий тадқиқотларда моддий маданиятимизнинг таркибий қисмлари бўлган турар-жойлар, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, таомларни график тасвирлар, режалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар ёрдамида батафсил ўрганиш, тавсифлаш ва илмий таҳлил этиш муҳим долзарб масалага айланган.

Мавзуни ўрганишда фойдаланилган методлар (услублар)дан бири-тарихий-этнографик тизимли таҳлил методи. Бу методни бугун қўллаш замонавий этнологияда ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, моддий маданият масалаларини этнологик аспектда (кўринишда) ўрганишда ўринлидир.

Жумладан тарихий-этнографик-тизимли таҳлил методи моддий маданиятнинг трансформацияга учрашининг ички ва ташқи омиллари, ўрганилаётган даврга хос этник аломатларнинг камайиши, замонавийлашуви, янги инновацияларнинг кириб келиши сабабларига эътибор қаратади. Ушбу методни ишда қўллаш натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган минтақада моддий маданиятнинг трансформацияга учрашининг асосий сабаблари қуйидагилар: ҳудудга ажнабий маданиятнинг ташқаридан кириб келиши, фан-техниканинг ривожланиши, этномаданий ва миграцион<sup>28</sup> жараёнлар, ўрганилаётган даврда моддий маданиятда этник аломатларнинг камайишига: урбанизация<sup>29</sup>, яъни шаҳар модаси (урфининг) қишлоқ аҳолиси ҳаётига таъсири, замонавийлашувига: савдо-сотик алоқалари, глобаллашув<sup>30</sup>, маданий алоқалар ва иқтисодий юксалишдан иборат. Юқорида кўрсатилган омиллар

<sup>25</sup> Давлатова С.Т. Анъанавий кийимларни ўрганишга доир назарий қарашлар ва методлар / “Ўзбек этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” илмий тўплам. –Тошкент, “Navro’z” 2014.–Б.114-115.

<sup>26</sup> Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки. – М.: Паигея, 1995.-464 с., Шарль Луи Монтескье . О духе законов. –М.: Мысль, 1999.-672 с., Боден Жан. Метод легкого познания истории.–М.: Наука, 2000.-412.;

<sup>27</sup> Парсонс Т. Система координат и общая теория систем действия: культура, личность, и место социальных систем // Американская социологическая мысль Тексты.–М., 1994.–С.167-236., Radcliffe-Brown A.R. A natural science of social anthropology. London, 1958.; Idem. Method in social anthropology. London, 1958; Idem. Structure and function in primitive society. London, 1958., Сахарова Т.А. От философии существования к структурализму. М.: Наука, 1974.-266 с.

<sup>28</sup> Миграция (лотинча, migration–кўчиш, кўчиб ўтиш), яъни мамлакатлар, минтақалар ёки мамлакат бўйлаб, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш жараёни ҳисобланади. Мўллажонов И.Р. Ўзбекистон аҳолиси. – Т.:Ўзбекистон, 1974. – Б.18.

<sup>29</sup> Урбанизация (лот.urbanus-шаҳар) –жамиятда шаҳарлар ролининг ортиши билан боғлиқ тарихий жараён. Бунда шаҳар аҳолисининг салмоғи ортади. Бекмуҳамедов Х.Ю. Тарих терминларининг изоҳли луғати.–Т., “Ўқитувчи”, 1986. – Б. 232.

<sup>30</sup> Глобаллашув-(глобал.лот.умумбашарий, кенг миқёсдаги, жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик; Жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўзаро яқинлашуви, бирлашуви, воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, бутун ер шарини қамраб олиши).

(сабаблар)га кўра, айнан этнологик тизимли таҳлил методи моддий маданиятимизнинг таркибий қисмларидан бўлган турар жойларда, кийимларда, таомларда ўрганилаётган даврда кечган трансформацион жараёнларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан танланган мавзунини ёритишда этнологик тизимли таҳлил методидан фойдаланилди.

Ишда қўлланилган методлардан яна бири тарихийлик методи, яъни моддий маданиятни (уй-жойларни, кийимларни) археологик материаллар, ёдгорликлар асосида тиклаш, яъни ретроспектив реконструкция қилиш асосида моддий маданиятни тайёрлашда ишлатилган материаллар: масалан, уй-жойларда: ўтовда керага, чанғарок, уй-томларда қўш синч ва ҳакоза; кийимларда: матолар (бўз, атлас), бичими (тунукасимон-чоксиз) ва ҳакозалар орқали моддий маданиятнинг ривожланиш босқичлари аниқланди. Худди шу усулдан ўрганилаётган ҳудуд моддий маданиятини ўрганишда ҳам фойдаланилди.

Семиотик метод орқали кийимга маданиятнинг бир қисми сифатида қараб кийим эгасининг уруғ-қабилавий бўлинишини, уни қайси уруғга мансублигини, яъни тобинлигини билиш мумкин: масалан, саллабош (такия) кийган онахон, албатта қўнғирот уруғидан эканлиги маълум, чунки бугун ҳудудда фақатгина қўнғирот-онахонларгина саллабош кийишади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бугун замонавий этнологияда ўзига хос метод турлари мажмуи шаклланган бўлиб, буларнинг барчасидан ҳам тадқиқотчи фойдалана олмайди<sup>31</sup>. Шунинг учун ҳам ишда муаммони тўла ёритадиган методлардан фойдаланилди. Албатта, асосий тадқиқот учун зарур методлар дала тадқиқотларини олиб бориш (ахборотчилар билан учрашиш), ёзма манбаларни ўрганиш, статистик материалларни таҳлил қилиш бундан мустасно.

Ўзбекистонда моддий маданиятнинг этнохудудий хусусиятлари, этник ва иноэтник компонентлари масаласи этнологик жиҳатдан маҳаллий олимлардан У.С.Абдуллаев, М.Б.Қурбонова, Г.Ш.Зуннунова, С.Давлатова, М.Ибрагимова, И.Хўжахонов, А.Қурбонов, М.Файзуллаевалар томонидан ҳам маълум маънода тадқиқ этилган<sup>32</sup>. Аммо ушбу изланишларда моддий маданиятнинг назарий масалалари эътибордан четда қолган.

<sup>31</sup> Давлатова С. Анъанавий кийимларни ўрганишга доир назарий қарашлар ва методлар / Ўзбек этнологиясининг назарий-методологик муаммолари илмий тўплам. Тошкент, “Navro’z” 2014.–Б.123.

<sup>32</sup> Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). Тарих фанлари док. Дисс.–Т., 2006., Қурбонова М.Б. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири - XX аср бошлари). Т.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент, 1994.-158 б., Зуннунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX–начало XXI вв). –Ташкент, 2013.-300 с., Давлатова С.Т. Трансформация традиционной одежды узбеков Кашкадарьинского оазиса (конец XIX-XX в.). Автореф.дисс.канд.ист.наук.-Т., 2006.-30 с; Ибрагимова М. Традиционная одежда и украшения населения Сурхандарьинского оазиса (конец XIX-начало XX вв.). АРКДМ,-Т.,2004.-26 с., Хўжахонов И.М.Этнорегиональные особенности традиционного жилища сельского населения Ферганской долины (конец XIX-начало XX века). Автореф.дисс...канд.ист.наук.-Ташкент, ЎзРФА ТИ, 2007.-29 с., Курбанов А. Этнические и локальные особенности традиционной культуры жителей Северосурханского оазиса (конец XIX-первая половина XX в.): Автореф.дисс....канд.ист.наук. Ташкент, ИИ АН РУз, 2009.-30 с., Файзуллаева М.Х. Национальная пища в традициях и обрядах населения Сурханского оазиса (первая половина XX века). АРКД,-Т.,2010.-30 с.

Умуман, масалани таҳлил қилиш, унда ўрганилаётган даврда ва худудда содир бўлаётган трансформацион жараёнларни тадқиқ этиш этнология фани учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга мавзулардан бири эканлигини англаш қийин эмас.

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи параграфи “*Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги*” деб номланган. Унда муаммони ўрганишга доир манбалар ва адабиётлар даврийлигига, мавзуга бевосита ва билвосита алоқадорлигига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлиб тадқиқ қилинди:

1. Қадимги ва ўрта асрлар даврига доир манбалар;
2. XIX аср охири - XX аср бошларига оид материаллар ва илмий манбалар;
3. Совет даврига оид илмий тадқиқотлар;
4. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган илмий тадқиқотлар.
5. Мавзу доирасидаги хорижий тадқиқотларнинг қисқача таҳлили.

Қадимги даврлар ва ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё бўйларида яшаган халқлар этнологиясини ўрганишда зардўштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”, қадимги туркий битиклар ва сўғдий ёзувлар<sup>33</sup> “Алпомиш” эпоси, Абу Райҳон ал-Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Руи Гонзалес де Клавихонинг “Амир Темур Испания элчиси нигоҳида”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари катта аҳамиятга эга<sup>34</sup>.

XIX аср охири - XX аср бошларига оид материаллар ва илмий манбалар қаторида дастлабки этнографик маълумотлар А.Будрин, Э.А.Эверсман<sup>35</sup>, Е.К.Мейендорф<sup>36</sup>, Туркистон ўлкаси этнографиясига оид маълумотлар, жумладан А.Бёрнс<sup>37</sup>, А.Вамбери ва Н.Хаников ишларида ҳам айрим жиҳатлар акс этган<sup>38</sup>. Подшо Россияси даврига тегишли илмий манбалар орасида ноёб асар ҳисобланган “Туркистон тўплами” (“Туркестанский сборник” 594 жилддан иборат) алоҳида ўрин тутди<sup>39</sup>.

Ушбу даврда Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг моддий маданиятига оид айрим илмий манбалар қаторига Н.А.Маев, Южин Скайлер, Н.Н.Покотило, С.Васильев, М.Галькин, М.В.Грулев, А.Л.Кун, М.И.Бродовский,

<sup>33</sup> Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001; Тарихий манбашунослик. Тошкент: Фан, 2006.

<sup>34</sup> Авеста. Яшт китоби. Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудалар шаънига айтилган алқовлар.(М. Исҳоқов таржимаси). Тошкент: Шарқ, 2001. 128 бет; Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.-32 бет., Алпомиш” (Ф. Йўлдош ўғли варианты).-Т., “Шарқ”, 1998.-338 бет., Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.-Т., т.І. “Фан”, 1968.-488 бет., Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари.-Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси, 1992.І-жилд.-98 бет; Ўша муаллиф. Тиббий ўғитлар.-Тошкент: Меҳнат, 1991.-190 бет., Руи Гонзалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида.-Т.: “Zamin nashr”, 2019.-176 бет., Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома.-Т.: Юлдузча, 1989.-367 бет.

<sup>35</sup> Будрин А. Русские в Бухаре в 1820 год (Записки очевидца). Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год.-Оренбург,-1871; Eversmann E. Reisivon: Orenburg nach Buchara.-Berlin, 1823.-P.75.

<sup>36</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. -М.: Наука, 1875.-182 с.

<sup>37</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару в 1831, 1832 и 1833 годах. Ч.1.-М.: 1848; Ч.2.1848; Ч.3.1849; Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства.-СПб., 1876.-532 с.

<sup>38</sup> Вамбери А. Очерки по Средней Азии.-СПб.,1865; Он же. Путешествие в Бухару.-М., 1886. -С. 112-174.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.- Б. 162.

А.Губаревич-Радобилский, А.Шишов, Д.Н.Логофет, Н.А. Фридрих, Н.Н. Харузин, Мирзо Салимбек, А.Г.Ананьевларнинг<sup>40</sup> айрим ишларини келтириш мумкин. Ушбу муаллифлар XIX аср охири ва 1917 йилги Октябр инқилобигача бўлган даврда Бухоро амирлиги аҳолисининг турмуш тарзи, савдо-сотиқ ва хўжалик фаолиятига доир маълумотларни бериб ўтганлар.

Совет даври тарихшунослиги хусусида сўз юритганда, мазкур даврга оид илмий тадқиқотлар орасида академик В.В.Бартольд асарлари муҳим ўрин тутди. Уларда минтақа аҳолисининг сиёсий, маданий ҳаёти, савдо-сотиқ муносабатлари, шунингдек, Қарши, Термиз ва Шеробод шаҳарларининг ривожланишига оид муҳим маълумотлар келтирилган. 1925-1930 йилларда В.А.Полозов Қарши ва Сурхон-Шеробод ҳудуди аҳолисининг деҳқончиликдаги анъанавий жиҳатларини, хусусан суғориш билан боғлиқ ҳаёти ва қишлоқ жамоаси турмушига урғу беради<sup>41</sup>. 1928 йил Л.П.Потапов Сурхон воҳаси аҳолисининг этник таркиби, моддий ва маиший турмуш тарзи ҳақида маълумотлар тўплаган. С.Л.Волин Қашқадарё арабларининг савдо муносабатлари, аҳолининг этник таркиби ва географик жойлашуви ҳақида баён қилса, О.А.Сухарева 1948-1956 йилларда Бухоро хонлиги шаҳарлари, хусусан Қарши шаҳрининг тузилиши, маҳаллаларининг номланиши, хунармандчилиги, аҳоли хўжалик ҳаёти хусусидаги маълумотларни тадқиқ этган<sup>42</sup>.

Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг моддий маданиятининг айрим жиҳатлари борасида 1945-1980 йилларгача Б.Х.Кармишева тадқиқот олиб борган. XX асрнинг 50-йилларида К.Л.Задихина минтақа аҳолиси ҳақида, В.Л.Воронина эса Қарши воҳасининг шаҳарсозлиги масалалари билан шуғулланишган. Н.А.Кисляков томонидан Бухоро амирлиги даврида минтақанинг ижтимоий, иқтисодий ҳаёти ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи илмий таҳлил этилган. Н.Г.Борозна Боботоғ ўзбекларининг моддий маданияти ҳақида маълумотлар тўплаш баробарида, тоғ аҳолисининг хунармандчилиги, уй-жой қурилиши, уй-рўзгор буюмлари, меъморчилиги,

<sup>40</sup> Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Ежегодник.-СПб., 1879. Вып.V.- 382 с; Скайлер Южин. Туркистон: Россия Туркистони, Қўкон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари.-Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ, 2019.-336 б; Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г.-Ташкент, 1888.-168 с; Он же. Путешествие в Центральную и Восточную Бухару 1886 году // Записки Русского географического общества.-СПб., 1889.-С.480-502; Васильев С. Статистические материалы для описания Бухары. Бекство Ширабадское и часть Байсунского // СМА.-СПб., 1894.Вып.LVII.-С.399-402; Галькин М. Военно-статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // СМА.-СПб., 1894.Вып. LVII.-С.380-381; Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанком крае.-СПб., 1875.-40 с; Кун А.Л.Очерк Шахрисабзского бекства//ЗРГО.Т.VI.-СПб., 1880.-С.219-220; Грулев М.В. Аму-Дарья. -Ташкент, 1900.-92 с; Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану.-Ташкент, 1901; Губаревич- Радобилский А. Экономический очерк Бухары и Туниса.-СПб., 1905.-201; Шишов А. Пища и напитки // Таджики.-Т., 1910; Фридрих Н.А. Бухара.Этнографический очерк.-СПб., 1910; Харузин Н.Н. История развития жилища у кочевых и полукочевых тюркских и монгольских народностей России. "А.А.Левенсон",-М., 1896.-128 с; Мирза Салимбек. Тарих-и Салими-Ташкент: Академия, 2009.-330; Ананьев А.Г. Орошение Шерабадской долины водами реки Сурхана.-Ташкент, 1911.-56 с.

<sup>41</sup> Бартольд В.В. История Туркестана // Соч.т.II.-М., 1963; Он же. К истории орошения Туркестана / Соч.-М., 1965., Полозов В.А. Узбекское общинное землепользование в Ширабадской долине и Каршинской степи Уз ССР // Народное хозяйство Средней Азии. 1925.-С. 69, 75.

<sup>42</sup> Потапов Л.П. Материалы по семейно-родовому строю у узбеков "Кунград" // Научная мысль. -Ташкент - Самарканд, 1930.-С.37-57; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки). -Ташкент, 1958. -147с.

интерьеры хусусида талайгина маълумотлар бериб ўтган. Аммо муаллиф тақдим этган маълумотлар фақатгина Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларига тааллуқли, холос<sup>43</sup>.

К.Шониезовнинг “Ўзбек қарлуқлари” ва “Қарлуқ давлати ва қарлуқлар” номли монографиялари, И.Жабборовнинг асарларида ўзбекларнинг моддий маданияти масалалари ёритиб берилган. К. Кубаковнинг илмий иши юқори Қашқадарё қишлоқ аҳолисининг кундалик турмуш тарзи ва қисман моддий маданиятига бағишланган<sup>44</sup>.

Ўзбек халқининг анъанавий ва замонавий турмуш тарзи, моддий маданияти масалаларини У.С.Абдуллаев, М.Б. Курбонова, Ш.Зунунова, С.Давлатова, О. Бўриев, М.Ибрагимова, Ф.Раҳмонов, А.Қаюмов, Н.Турсунов, М.Файзуллаева, Ф.Очилдиев, А.Курбонов, М.Усмоновларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган<sup>45</sup>. Аммо муаллифлар ишларида моддий маданиятнинг трансформация жараёнлари масаласи эътибордан четда қолган.

Хорижий муаллифларнинг ўзбек халқи моддий маданиятига оид илмий адабиётлари маълум назарий қарашлар асосида баён этилган. Мазкур ишлар тадқиқот мавзусига бевосита ёки билвосита тааллуқлидир. Ўзбекистон халқлари моддий маданияти масалалари хорижий давлатлар этнолог олимлари томонидан турлича ёндашувлар асосида маълум маънода ўрганиб

---

<sup>43</sup> Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. -М., Наука, 1976., Задыхина К.Л. Некоторые вопросы изучения этнического состава населения бассейна Кашкадарьи в Сурхандарьинской области Узбекской ССР // КСИЭ. Вып. XXXVII. -М., 1962. -С.39-45., Воронина В.Л. Материалы по народной архитектуре Кашкадарьинской области Узбекской ССР // СЭС. Ч. II. -М., 1959. - С. 299-351., Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-начале XX вв. -М.-Л., 1962. -170 с., Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигана // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана. -М., 1966. -С.91-120.

<sup>44</sup> Шанияев К.Ш. Узбеки-карлуки (Историко-этнографический очерк). -Ташкент: Наука, 1964.-195; Ўша муаллиф. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. -Т.: Шарқ, 1999.-192., Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. -Т., “Фан”, 1964; Ўша муаллиф. Жаҳон халқлари этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1984.-Б. 258-260., Кубаков К. Этнический состав сельского населения верхней Кашкадарьи в конце XIX-начале XX вв. (Историко-этнографическое исследование). Автореферат на соискание канд.ист.наук. -Ташкент, 1973.

<sup>45</sup> Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. -Тошкент: “Миллий кутубхона нашриёти”, 2008., Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.-215 б., с., Зунунова Г.Ш. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX-начало XXI вв.). -Ташкент, 2013.-300 с., Қаранг: Бўриев О. ва б. Ўзбек оиласи тарихидан (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси турмушидан тарихий-этнографик лавҳалар). -Т.: Ўқитувчи, 1995.-128 б ва бошқалар., Ибрагимова М. Традиционная одежда и украшения населения Сурхандарьинского оазиса (конец XIX-начало XX вв.). АРҚДМ, -Т., 2004.-26 с., Раҳмонов Ф.Ш. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири-XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди дисс.Т., 2001.-183 б; Қаюмов А.Р. Этническая ситуация на территории Южного Узбекистана в XIX-начале XX века (по материалам Сурхан-Шерабадской долины).: АРҚД.-Т.2011.-31с; Турсунов Н.Н. Этнические особенности населения Южносурханского оазиса (конец XIX-начало XX в.).: АРҚД.-Т.2007.-32 с; Очилдиев Ф. XIX аср охири -XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида).: Тарих фан.ном....дисс.-Тошкент, 2006.-128б., Курбанов А. Этнические и локальные особенности традиционной культуры жителей Северсурханского оазиса (конец XIX-первая половина XX в.): Автореф.дисс....канд.ист.наук. Ташкент, ИИ АН РУз, 2009.-30 с; Хужахонов И.М.Этнорегиональные особенности традиционного жилища сельского населения Ферганской долины (конец XIX-начало XX века). Автореф.дисс...канд.ист.наук.-Ташкент, ЎЗРФА ТИ, 2007.-29 с., Файзуллаева М.Х. Национальная пища в традициях и обрядах населения Сурханского оазиса (первая половина XX века). АРҚД.-Т., 2010.-30 с., Усмонов М. Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари (XIX аср охири-XX асрнинг биринчи ярми, тарихий-этнологик таҳлил). Тарих. фан. ном.... дисс.... автореф.-Тошкент, 2018.-52 б.

келинган. Mehdi Parvizi, M. Абелес, Amineh Henk Houweling, Peter Finke, O.B. Горшуновалар томонидан тадқиқ этилган<sup>46</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Минтақа уй-жойлари моддий маданиятнинг муҳим компоненти сифатида: анъаналар ва трансформацион жараёнлар”** деб номланган. Бобнинг биринчи параграфида аҳоли уй-жойларининг қурилиши: трансформация ва инновациялар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилган.

Маълумки, Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг бир қисми азалдан турғун яшаб келган бўлса, бир қисми ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик билан шуғулланган. Аҳоли ўз уй-жойларини барпо қилишда ҳудуднинг табиий-географик шароити, анъанавий турмуш тарзининг синовларидан ўтган ибратли, ижобий томонларидан фойдаланган. Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларида яшовчи ўзбеклар, тожиклар айниқса қадимдан ўз уйларида маҳаллий табиий шарт-шароит ва омиллар асосида тиклаганлар. Хусусан, В.Л. Воронина XX асрнинг 50-60 йилларида уй-жойларни барпо қилишда табиий муҳитнинг муҳимлигини илмий асослаб берган<sup>47</sup>. Уй-жойлар мавсумий, вақтинчалик ва доимий турар жойлардан иборат бўлган<sup>48</sup>.

Уй-жойлар қурилишига оид О.Бўриевнинг маълумотида кўра “XVIII асрда тоғ ҳудудларида тош, хом ғишт, гувала “бўри калла”дан шаппати деб номланган деворлар билан қурилган доимий турар жой-уй-томлар ва хўжалик бинолари вужудга келган. Чўл ҳудудига нисбатан тоғли туманларда ўтроқлашиш жараёни эртароқ бошланиб, доимий турар жойлар, қишлоқлар пайдо бўлган”<sup>49</sup>. Доимий турар жойлар дастлаб сувга яқин ҳудудларда пахса, хом ғишт ва тош каби материаллардан фойдаланганлар. Тоғли ҳудудларнинг юқори қисмини ўрмонзорлар ташкил этганлиги сабабли уй қуришда пахса девор ўрнига синч девор кенг қўлланилган. Бу ҳолатлар тоғ олди қишлоқларида масалан, Бойсун шаҳри атрофидаги Авлод, Сариосиё, Пассурхи ва Шаҳрисабзнинг Мираки қишлоқларида мавжуд<sup>50</sup>. Тоғли ҳудуд аҳолисида ўтроқ ҳаётга хос хусусият турар жойларнинг тузилишида ўзига хос ўринга эга. Хусусан, уйлар дахлизли, дарчали ҳамда ён деворларида тоқчалари бўлиши билан ажралиб турган<sup>51</sup>.

<sup>46</sup> Mehdi Parvizi. Amineh. Henk Houweling. Central Eurasia in Global Politics Conflict, Security, and Development. Brill- Leiden - Boston. 2005. P. 100., М.Абелс. Об антропологии во Франции // ЭО. 2005. -№2. - С. 69-74; [uzhistoru.uz](http://uzhistoru.uz)., Amineh Henk Houweling. Central Eurasia in Global Politics Conflict, Security, and Development. Brill- Leiden - Boston. 2005. P. 100; Peter Finke. Variations on Uzbek Identity.-Publisher Nev York, Oxford: Berghahn, 2014.-288 p; Горшунова О.В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений (конец XIX-конец XX века)//Этнографический обозрение.-2001.-№5.-С.21-22.

<sup>47</sup> Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. -М., “Наука”, -1982. -С.-48; Жилина А.И. Традиционные поселения и жилище узбеков Южного Казахстана // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. -М., “Наука”, 1982...-С.-137.

<sup>48</sup> Жилина А.И. Традиционные поселения и жилище узбеков Южного Казахстана // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. -М., “Наука”, 1982...-С.-137.

<sup>49</sup> Бўриев О. ва бошқ. Ўзбек халқи боқий қадриятлари (Этнотаърихий лавҳалар). -Б.86.

<sup>50</sup> Турсунов Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. -Б.-69; Нозилов Д.А. Тоғ меъморлари. -Т., 1979. -Б.-34.

<sup>51</sup> Ибрагимов О. История развития жилища населения степных районов Узбекистана в конце XX – начале XX в.в. Автореф. диссер. на соискание учёной степ.кандид.ист.наук. -Т., -1988.-С.-11.

Минтақада XX аср бошларигача уй-жойлар пойдеворсиз оддий текисланган ерга қурилган, ер ости сувлари яқин ва тузли шўр ерларда пахса девор остига қамиш ёки бўйра, чипта тўшаб девор кўтарилган. Уйни иситишда асосан сандалдан фойдаланилган<sup>52</sup>. Дашт кишлоқларида асосан ярим ўтроклаган ўзбек уруғлари-кўнғиротлар, жузлар, манғитлар, саройлар, қутчилар яшаган<sup>53</sup>. Бу кишлоқлар аҳолисининг анъанавий уй-жойлари кўп ҳолларда пахса ва чимдан қурилган<sup>54</sup>. О.Ибрагимовнинг ёзишича, мавсумий ва вақтинчалик турар жойлар ичида энг кўп тарқалгани чайлалар, лочиқлар, капалар ва қора уйлар бўлиб, улар кўчиб юришга қулай бўлган<sup>55</sup>. Улардан энг кўп тарқалгани ва кўчманчи қавмлар учун узоқ муддат хизмат қилгани ўтовлар бўлиб, ҳатто бугун ҳам ўтовлар трансформациялаган ҳолатда, яъни аҳоли учун турар жой сифатида эмас, туристлар учун маҳаллий аҳолининг қадимий уй-жойлари кўринишида хизмат қилмоқда.

Б.Х.Кармишева ўтовнинг ёритилиши ҳақида: “Қарияларнинг эслашича, қадимда ўтовларнинг ёритилишида гулхандан, кейинроқ машъаладан, сўнгра чироқ кўринишидаги кўзача ва қора-чироқдан фойдаланилган. Кўзачанинг ён томонлари бир нечта тешиклардан иборат бўлган. Кўзачада қурилган от тезаги ёқилган, кўзача тешикларидан тушган ёруғлик ўтовни ёритган, ҳатто кўзача ёруғлигида аёллар кашта тикишган”<sup>56</sup>. Демак, аجدодларимиз қадимда ўтовни ёритишда: гулхан, машъала, кўза-чироқ ва қора-чироқларни кўллаган.

Ярим ўтроқ аҳолининг уйлари ўтроқ аҳолининг уйларига нисбатан анча содда бўлган. Уй-жойлари одатда бир хонадан иборат бўлиб, ўтовлар меъморчилигига хос баъзи жиҳатлар сақланиб қолинган. Масалан, хона бурчаклари ярим айлана шаклида тикланган<sup>57</sup>. Ўчоқ хона ўртасида бўлган, токча ва тахмонлар бўлмаган. Кўрпа-тўшак, уй анжомлари ўтовлардаги каби хона деворлари ёнига тиркаб қўйилган<sup>58</sup>.

XX аср 50-йиллари ўрталарида кишлоқларда ҳам анъанавий уй қурилишидан янги кўринишдаги (типтаги) уйлар қурилишига ўта бошланган. Анъанавийликдан замонавийликка ўтиш шиферли, шифтли, ёғоч пол ва бетон пойдеворли уйларнинг пайдо бўлишига олиб келган<sup>59</sup>.

1970-йилларда Жанубий Ўзбекистон кишлоқ аҳолисининг иқтисодий ҳаётида, шунингдек уй-жой қурилишида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қарши туманидаги “Аврора”, Касби туманидаги “Ленинизм”, Нишон

<sup>52</sup> Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н.С. Сурхондарё-этнографик макон.—Т.: “Академнашр”, 2012.—Б.-79.

<sup>53</sup> Дала ёзувлари. Қарши, Косон, Шеробод, Бойсун тумани кишлоқлари. 2017 йил.

<sup>54</sup> Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. —Т., “Фан”, 1974.—С.-223. Файзиев Т. Узбеки-курама (в прошлом и настоящем). АКД.—Т., 1963.—С.-13-14; Воронина В.А. Жилище Средней Азии и климат. — М., 1982.—С.-48-69. ва бошқалар.

<sup>55</sup> Ибрагимов О. И. Мавсумий ва вақтинчалик турар жойларнинг ривожланиш тарихига доир.—Б.-39.

<sup>56</sup> Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана.—Сталинабад, 1954.—С.139.

<sup>57</sup> Борозна Н.Г. Материальная культура узбеков Бабатага и долины Кафирнигина // Материальная культура народов Средней Азии и Казахстана.—М., 1966.—С.104.

<sup>58</sup> Хўжаонов И.М. Фарғона водийсида ярим ўтроқ аҳоли доимий уй-жойлари трансформациясининг баъзи жиҳатлари (XIX аср охири-XX аср бошлари) // O'zbekiston tarixi № 1, 2006.—Б.61-62.

<sup>59</sup> Ахмаджонов О. Изменения в материальной культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Автореферат на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Андижан,—1994.—С.-44.

туманидаги Чўли Бегимқулов, Сариосиё туманидаги “Коммунизм”, Жарқўрғон туманидаги “Социализм”, Музробод туманидаги “Комсомолобод” давлат хўжаликларининг марказий қўрғонлари кичикроқ шаҳарчани эслатган<sup>60</sup>. Уйлар темир печкалар, газ келган хонадонларда голланд печлари, иссиқ сув билан қизитилган. Кўпчилик қишлоқ хонадонларида сув қувурлари ва газ мавжуд эди<sup>61</sup>.

1972 йил 29 майда Ўз ССР Министрлар Советининг “Хутор тизимини бартараф қилиш ва республика колхозларида капитал қурилишни тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Бу қарор асосида истиқболсиз хутор типидagi қишлоқлар аҳолиси шаҳар типидagi қўрғонларга кўчириладиган бўлди<sup>62</sup>. Шу йилларда республиканинг қўриқ ерларида 160 та совхоз ташкил этилди, 7,7 млн.кв.метр уй-жой қурилди. 1973 йил жамоа хўжаликларида 194 минг кв.м., давлат хўжаликларида 5220 минг кв.м. уй-жойлари қурилган<sup>63</sup>. Шу даврдан бошлаб шаҳарларда кўп қаватли уйларни қуриш кўпайди<sup>64</sup>.

1980-йилларда қурилишда синтетик материалларнинг ишлатилишига ўтилиши туфайли қурилиш қурилмалари енгиллашди ёғоч, цемент, рангли металллар ва бошқа қурилиш материаллари тежалди<sup>65</sup>. Бугун бинокорлик учун ишлатиладиган замонавий қурилиш ашёлари ва уй қисмлари, жумладан, эшик-ром (акфа, ёғоч), дарвоза, тунука тарнов, черепица, кафель, шиферлар тадбиркорлар томонидан тайёрланади ва уйларни баланд қилиб қуриш урфга кира бошлаган<sup>66</sup>.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи *Уй-жойлар жиҳозланиши ва безатилишида маҳаллий жиҳатларнинг замонавийлашув тенденцияси*” деб номланган. XX асрнинг 30-йилларигача Жанубий Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси турар жойини жиҳозлашда, асосан жундан ишланган турли халта, тўрва, гилам, сандиқ, оёқ остига бўйра, палос, кигиз, эчки ва қўй терисидан ишлов бериб тайёрланган пўстак, кўрпа, кўрпачалар ва ҳоказалар ишлатилган<sup>67</sup>.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аҳоли ёппасига пахса, хом ғиштдан қурилган икки хонали, хуржун томларга кўчиб кириш билан бирга шишали чироқ лампа, фонус, керосинка, кейинроқ электр лампаси, Россия фабрика ва заводларида ишланган уй-рўзғор буюмларидан фойдалана бошланган. Синч уйларнинг деворлари бўйлаб тўғрибурчакли ёки пештоқ (гумбаз) шаклидаги бир неча тахмон (токча)лар ўрнатилган бўлиб, уларда ҳар хил уй-рўзғор буюмлари ва кўрпа-гўшаклар жойлаштирилган.

<sup>60</sup> Дала ёзувлари. Сариосиё тумани, Б.Омонов фермерлар уюшмаси. 2017 йил.

<sup>61</sup> Арипов Ф.А. Об эволюции жилищных условий рабочих-узбеков за годы социалистического строительства. (По этнографическим наблюдениям). “Правда Востока”, 1977, 22 декабря.

<sup>62</sup> Ўз МА. Р-2454-жамғарма, 6-рўйхат, 27-иш, 48-варақ.

<sup>63</sup> Ўз МА. Р-1963-жамғарма, 8-рўйхат, 530-иш, 101-варақ.

<sup>64</sup> Ўз МА. Р-1963-жамғарма, 8-рўйхат, 530-иш, 27-варақ.

<sup>65</sup> Ҳамидов А. Қурилиш материаллари, буюмлари ва металллар технологияси (Маърузалар матни). – Наманган, -2010.-Б.-19.

<sup>66</sup> Миндон ва миндонликлар. –Т.: “Янги нашр”, 2015.-Б.-85.

<sup>67</sup> Бўриев О. Ўзбек халқи боқий қадриятлари (Этнотарихий лавҳалар). Қарши, “Насаф”, 2005.-Б.-89.

Ўзига тўқ хонадонларнинг уйлари анчагина нозик дид ва жим-жимадор нақшлар билан безатилган, ганч токчалар ва тахмонлар қимматбаҳо идишлар ва бошқа буюмлар билан тўлдирилган<sup>68</sup>. Оддий хонадонларнинг токча ва тахмон қилишга имкони бўлмаган, чунки ёғочнинг нархи қиммат бўлган. Масалан, Термизда 1 куб ёғоч 100 рублга баҳоланган<sup>69</sup>. Жанубий Ўзбекистоннинг ярим ўтроқ аҳолиси уй-жойлари безатилиши ва жиҳозланишида нисбатан фарқ бўлган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг дашт қишлоқларида бир хонали уйларда токча,<sup>70</sup> тахмон қилинмаган, кўрпачалар ўрнига кўпроқ пўстак ишлатилган, шунингдек уй-жиҳозларидан энг муҳими ҳар бир хонадонда ёрғунчоқ бўлган. 1950 йилларда жамоа ва давлат хўжаликларидаги уй-жойлар электр, сув тармоғи тизимларига уланган. Бу даврда зиёлилар: қишлоқ ўқитувчилари, шифокорлар, хўжаликлар раҳбарларининг уйларида темир кроватлар, китоб жовонлари, стол-стуллар, кийим илгичлар пайдо бўлган.

1960-70-йилларда ота-оналар хонасида икки кишига мўлжалланган диван-краватлар, оппоқ чойшаблар, пар ёстиклар бўлиб, полда хона ўлчамига қараб замонавий гиламлар тўшалган. Дарсхонада стол, стул, стол лампаси, китоб-дафтарларга мўлжалланган жавонлар қўйилган. 1980-йилларда хонадонларда телефон, рангли телевизор, магнитофон, совутгич, кир ювиш машинаси, тикув машиналари пайдо бўлган. Аммо уларни ишлатувчи ва таъмирловчи маҳаллий мутахассислар кам эди<sup>71</sup>.

Умуман, XIX аср охири-XXI аср биринчи чорагида Жанубий Ўзбекистон-Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолисининг турар жойлари тараққиётига этноижтимоий жараёнлар сезиларли таъсир қилган. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аҳоли анъанавий турар жойларининг жиҳозланиши ва безалишида ўзига хос трансформациялашувига сабаб бўлган. Бу жараёнлар 1970-йилларда эволюцион тарзда кечган бўлса, 1990-йилларда, айниқса, мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз кўринишида тубдан ўзгаришлар бўлишига олиб келган.

Учинчи боб **“Аҳоли кийим-кечаклари, тақинчоқлари ва безакларида анъанавийлик ва эволюцион жараёнлар”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Минтақа аҳолиси кийим-кечакларида анъаналар эволюцияси”* да минтақа аҳолисининг кийимларидаги ўзгаришлар тадқиқ қилинган.

Анъанавий кийимлар- бу халқнинг асрлар давомида кийган, авлоддан авлодга ўтиб келган либосларидир<sup>72</sup>. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси ўз кийим-кечакларини бўз, олача, қалами, карбос, сўси, хоса каби пахта ип-газламалардан, беқасам, парпаша шойи, атлас, банорас эса ипак, ярим ипак матолардан тайёрланган. Маълумки пахта худуднинг обикор Қарши, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб, Денов, Сариосиё, Шўрчи, Шеробод, Жарқўрғон

<sup>68</sup> Дала ёзувлари. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Денов, Шеробод туманлари. 2018 йил.

<sup>69</sup> Ўз МА. Р-2-жамғарма, 1-рўйхат, 351-иш, 1-варақ.

<sup>70</sup> Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар (XIX аср охири– XX аср бошлари).–Б.-5.

<sup>71</sup> Ўз МА. Р-2698-жамғарма, 1-рўйхат, 670-иш, 366-368-варақлар.

<sup>72</sup> Ибрагимова М. Либосларда халқ руҳи. “Мулоқот”, 2001, 5-сон.–Б.-28.

туманларида экилган. Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Сариосиё, Шеробод туманларида пиллачилик яхши ривожланган<sup>73</sup>. Айниқса, Қарши туманида маҳаллий аҳоли тутзорларнинг кўпайишига катта эътибор қаратган<sup>74</sup>. Бундан эса Россия ўз бозорларида сифатли ипак матоларига бўлган талабининг бажарилишига катта аҳамият берган. XIX асрнинг 70-йилларида ана шу мақсадда “Москва-Тошкент ширкати” тузилган<sup>75</sup>.

Аҳолининг асосий хўжалик фаолияти чорвачилик маҳаллий чармлар рус чармларига нисбатан икки боробар арзон нархланган. Хусусан, хўкиз терисидан тайёрланган маҳаллий чармнинг баҳоси 2 рубл 60 копеек, қўй терисидан тайёрланган чарми эса 30-44 копеекча баҳоланган<sup>76</sup>. Туя, эчки жунидан салла ва фата тўқишган. Теридан телпак, пўстин, этик, камар тикишган. Қорақўл қўйларининг антик, сур, широzi барра териларидан тикилган телпакларни бугун ҳам Қашқадарё вилоятининг чорвадор қишлоқлари Чорвадор, Пайшанба, Чиял мол бозорларида учратиш мумкин<sup>77</sup>.

XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек миллий кийимлари шаклланди. Бу даврда ҳудуд эркаклар кийимлари: устки тўн, қўйлак-ятак, иштон, дўппи, салла, телпак, кавуш-маҳси, этик бўлган<sup>78</sup>. Шу билан бирга ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос этник ва локал хусусиятларга эга кийим-кечаклари ҳам бўлган. Анъанавий ўзбек кийимлари устки, бош, оёқ-кийимларидан иборат бўлиб, уларда маълум анъаналар эволюциясини кузатиш мумкин.

XX аср бошларида минтақага фабрика газламаларининг кенг тарқалиши ва тикув машиналарининг кириб келиши туфайли миллий либосларда ранг-баранг усуллар, бичимлар, нақший безаклар ҳамда янги “бичиқли” кийимлар пайдо бўлди<sup>79</sup>. Бу эса кийимлар нархининг ошишига олиб келган. Битта тайёр чит чопон 3 рублга баҳоланган<sup>80</sup>. Тадқиқ этилган даврда эркакларнинг кийим бошлари аёлларникига қараганда кўпроқ трансформацияга учраган. 20-45 ёшли эркаклар орасида кўпроқ европача бичимда тикилган кийимларни кийиш урф бўлган. Бу асосан шаҳарларда кузатилган.

1930-50 йилларда эркаклар қўйлагига хос асосий хусусият қўйлак ёқаларининг горизантал, яъни ярим доира йирмочи тарзида бўлиши, жияк, чироз билан безатилишида акс этган; қўйлакларнинг енглари узун бўлиб, қўл панжаларигача тушиб турган, енг учлари ҳам жияклар билан безатилган. 1970-йилларда қўйлакларнинг олди очик бўлиб, томоқ остидан то пастки қисмигача тугмали (очиқ ёпиладиган) бўлган<sup>81</sup>. Бу даврга келиб маҳаллий иштон устидан европача шим кийилиб, энди иштон ички кийим вазифасини

<sup>73</sup> Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти- Сурхондарё этнографияси.—Б.-28.

<sup>74</sup> Ўз МА. И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 172-иш, 27, 35-варақлар.

<sup>75</sup> Ўз МА. И-1-жамғарма, 16-рўйхат, 2280-иш, 3-варақ.

<sup>76</sup> Ўз МА. Р-596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 141-142-варақлар.

<sup>77</sup> Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти Қарши, Косон, Чироқчи туманлари. 2018 йил.

<sup>78</sup> Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари.—Т.: “Фан”.-1978.—Б.-17.

<sup>79</sup> Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик.—Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. —Б.-123.

<sup>80</sup> Ўз МА. Р-596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 40-варақ.

<sup>81</sup> Дала ёзувлари. Қарши тумани Ҳилол қишлоғи, Термиз тумани Мангузар қишлоғи. 2016-2017 йиллар.

ўтаган. 1950-йиллардан бошлаб фабрикаларда тикилган майка-турисиклар ички кийим сифатида минтақада урф бўла бошлаган<sup>82</sup>.

С. Давлатованинг ёзишича, Қашқадарё воҳасида 1960-йилларда шаҳар аҳолиси, кейинчалик эса қишлоқларда ҳам эркаклар орасида фабрикаларда тайёрланган жунли жемперларни, пальто-плашларни кишда шарф ўраган ҳолда кийиш оммавий расм бўла бошлаган<sup>83</sup>. 1952-йилда “Устки ва бош кийимлар сифатини ошириш тўғрисида” ги махсус қарор чиққан. Ана шу қарордан кейин Ўзбекистонда ҳам кийим-кечак андозаларини режалаштиришга эътибор қаратилган<sup>84</sup>.

1960-йилларда минтақада жамоа хўжалиги раислари, давлат хўжалиги раҳбарлари, зиёлилар, хизматчилар орасида френч<sup>85</sup> ёки гимнастёрка каби ҳарбий кийимларни кийиш, қора ва кўк рангдаги мовут ёки жундан икки ёғи қаппайтириб чиқариб тикилган галифе шимларни почаси тор, қора ёки жигар рангли хром этик билан бирга кийиш расм бўлган. Ёзда эса енгил китель ва қаттиқ матодан тикилган шим кийилган. Маҳаллий аҳоли орасида ҳам шу хилдаги пиджак урф бўлиб, одатда почаси этик ичига тикилган шим билан бирга кийиб юришган<sup>86</sup>. 1960-70 йилларда талабалар орасида пастки қисми кенг қилиб тикилган клёш шим, ҳаво ўтказмайдиган нейлон кўйлақлар, баллон плашлар кенг оммалашган. 1980-йилларда жени шимлар, ёқаси кичкина бўлган пахта, трикотаж ва синтетик кўйлақлар эгаллай бошлаган.

1950-йилларда анъанавий оёқ кийимлари ўрнини фабрикаларда тикилган чиройли, бежирим замонавий туфлилар, ботинкалар, кержовой ва хром этиклар эгаллай бошлаган. Ўсмир ва ўрта ёшдаги эркаклар анъанавий кийимларни кўпинча уйда, тўй ва маъракаларда кийишган, холос<sup>87</sup>. 1960-йилларда ўқитувчилар, шифокорлар ва маданият муассасалари ходимлари бўлиб ишловчи хотин-қизлар орасида тўғри бичимдаги одми кўйлақлари кийиш расм бўлган. Бу даврда дазмол кенг тарқалган. Зиёли аёллар фабрикаларда тикилган ички кийимларни кўпроқ кийишган.

1970-йилларда аёлларнинг тўй-маросим кийимларида сезиларли ўзгаришлар бўлган. Келинлар никоҳ тўйларида европача русумдаги - оқ кўйлақ ва фата кийишган. Келин-куёвлар бир-бирларига никоҳ узуклари тақишадиган бўлган. Куёв тўйда европача русумдаги костюм-шим ва галстукда қатнашган. 1970-80-йилларда илк маротаба кийимларни модельер-дизайнерлар ва рассомлар билан ҳамкорликда моделлаш, лойиҳалаш ва андозалаш санъати шаклланди<sup>88</sup>. Шунингдек, кийимларнинг матолари ва ранглари танлаш СССР Савдо вазирлиги, СССР Енгилсаноат

<sup>82</sup> Дала ёзувлари. Қарши тумани Янги Мўллақувват қишлоғи. 2016 йил.

<sup>83</sup> Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. -Б.-128.

<sup>84</sup> Постановление Совета Министров СССР, № 2493 и № 2494 от 28 мая 1952 года, “Об улучшение качества верхней одежды и головных уборов”.

<sup>85</sup> “Френч” ўзбекчада “Ҳарбий нусхадаги тўрт чўнтакли дала хизмати кийими-камзули” маъносини англатади. С.И. Ожегов Словарь русского языка.-М., «Мир и Образование», 1960.-С.844., Русско-Английский словарь. «Советская энциклопедия», -М., 1971.-С.684.

<sup>86</sup> Дала ёзувлари. Қарши тумани Ҳилол қишлоғи, Музрабод тумани Халқабод қўрғони. 2017 йил.

<sup>87</sup> Зуннунова Г. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. -Т.: 2002.-Б.-97.

<sup>88</sup> Фахретдинова Д., Абдуллаева Н. Миллий кийимлар// Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. -Т.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1997.-Б.-550.

вазирлиги ва “Марказиттифок” га топширилган. Бу масала 1967 йил 27 июнда бўлиб ўтган, қўшма йиғилиш баённомасида тасдиқланган<sup>89</sup>.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *“Тақинчоқлар, безак ва пардоз-андозларда анъанавийлик ва модернизациялашув”* деб номланади. Маълумки, тақинчоқлар ва безаклар доимо муайян халқ ёки ижтимоий гуруҳнинг ўзига хослигини ўзида акс эттирган<sup>90</sup>. Шарқий Бухоро, яъни бугунги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг Қарши, Шахрисабз, Китоб, Бойсун, Денов, Шеробод шаҳарларида ўз уста-заргарлари ва уларнинг маҳаллалари мавжуд бўлган<sup>91</sup>. Заргарлар аёллар учун тақинчоқлар тайёрлашган бўлса, эркаклар учун узук-муҳрлар, зар-камарлар тайёрлашган. Заркамарлар асосан сарой аҳли учун тайёрланган. Муҳр тайёрловчи заргарлар “муҳрқанд” деб аталган<sup>92</sup>.

Халқлар ҳаёти ва маданиятида рўй берган тарихий-маданий жараёнлар тақинчоқларнинг доимо ўзгариб туришига сабаб бўлган<sup>93</sup>. И.Жабборовнинг фикрича: “Кийим-кечакларнинг янгилалиши тақинчоқларнинг йўқолишига сабаб бўлган”<sup>94</sup>. Ўзбек миллий тақинчоқларини илмий ўрганиш, XX асрнинг ўрталаридан бошланган бўлса-да, лекин ҳозиргача уларнинг илмий классификацияси ишлаб чиқилмаган.

Тақинчоқларни тананинг қайси қисмига тақилишига қараб ажратишни Н.Г. Борозна таклиф этган<sup>95</sup>. Шу аснода аёллар тақинчоқларини тўрт турга бўлган: 1. Бошга тақиладиган тақинчоқлар; 2. Кўкракка, бўйинга ва елкага тақиладиган тақинчоқлар; 3. Тананинг бел қисмига тақиладиган тақинчоқлар; 4. Қўл ва оёқ учун тақинчоқлар.

Жанубий Ўзбекистон минтақаси аёллари миллий тақинчоқларини М.Ибрагимова ва С.Давлатовалар тақилишига қараб 4 та асосий гуруҳга бўлишган. 1. Бошга тақиладиган тақинчоқлар: пешона, қулоқ, бурун, чакка, соч тақинчоқлари, 2. Кўкрак, бўйин, кифтга тақиладиган безаклар ва тақинчоқлар, 3. Тананинг бел қисмига ўраладиган ёки тақиладиган тақинчоқлар, 4. Қўл тақинчоқлари<sup>96</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Жанубий Ўзбекистонга Европа маданияти, рус ва татар заргарлик санъати намуналари кириб кела бошлаган. Тақинчоқларнинг сеҳр-жоду ва маросимий аҳамияти унутила бошланди. 1930-40 йиллардан бошлаб маҳаллий усталар ясаган заргарлик буюмлари қаторида Россиядан кириб келган тақинчоқлар ҳам муносиб ўрин эгаллай

<sup>89</sup> Ўз МА. Р-1624-жамғарма, 1-рўйхат, 990-иш, 7-11-варақлар.

<sup>90</sup> Борозна Н. Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана ( в связи с подготовкой историко-этнографического атласа). СЭ, –М.: № 1 (январь- февраль), 1974.–С.-33.

<sup>91</sup> Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати.- Т., “Мехнат”, 1991.-Б.-303; Ремпель. Л. И Далёкое и близкое, страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары.–Т.: Литература и искусства им.Г. Гуляма.1981.–С.-241.

<sup>92</sup> Курбанов Г. Бухарские печати XVIII- начале XX в.в. –Т.: “Ўзбекистон”, 1987.–С.-18.

<sup>93</sup> Ибрагимова М. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Тарих фанлари ном...дисс.–Т.: ЎЗР ФА ТИ, 2004.–Б.-77.

<sup>94</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: “Ўқитувчи”, 1994.–Б.-156.

<sup>95</sup> Борозна Н. Г. Виды женских ювелирных украшений ...–С.-33-41.

<sup>96</sup> Ибрагимова М. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари...–Б.78-79; Давлатова С. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик...–Б.-94.

бошлаган. Натижада, тиллодан бурун ва кулоққа тақиладиган халқа 6 рубл, кумушдан ишланган билакузук 3 рубл, халқа 2 рубл, узук 50-60 копейкка баҳоланган<sup>97</sup>. 1920-50-йиллар оралиғида Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида ҳам маҳаллий заргарлар артелларга уюшиб фаолият кўрсата бошладилар. Айнан шу даврда ясалган тақинчоқларда совет мафкуриси ўз аксини топа бошлаган.

1980-йилларда Қашқадарё воҳасида тақинчоқлар ишлаб чиқариш, Шаҳрисабз шаҳрида “Хужум” фабрикаси ҳисобига ортган бўлса, Сурхондарёда эса бу даврга келиб саноат даражасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шу боис заргарлик санъати унчалик ривожланмаган. Сурхондарё аёлларининг энг сеvimли машғулоти мунчоқ тўқишдир. Улар уюшмаган ҳолда якка тартибда тақинчоқлар тайёрлашган<sup>98</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 2017 йил 10 августдаги 3199-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо металлларни сотиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2017 йил 30 сентябрдаги 778-сонли қарорлари бунинг ёрқин исботидир.

Воҳада аёллар орасида қадимдан юзни, қош-кўзни, қўл-оёқларни безаш одат бўлган. Ҳусни очиш, янада ёрқин қилиш мақсадида ҳудуд аёллари юз-қўлларига ўсма, хина, упа-элик суртишган, гул суви билан ишлов беришган<sup>99</sup>. Пешхалта, кушковак-қулоқ тозалагич, мўйчинак-қоштергич, қошчиноқ, дандонковак-тиш-тозалагич, барак хўрак-бурун тозалагич каби пардоз буюмлари ишлатилган<sup>100</sup>. Ҳар бири алоҳида ясалган пардоз буюмлари марказида атирдон турган<sup>101</sup>.

1970-80 йилларда шаҳарларда аёллар сартарошхоналари, махсус касб-аёллар сартарошлари пайдо бўлган. Бу сартарошхоналарда махсус маникюр (қўл тирноқларига), педикюр (оёқ тирноқларига, бармоқларига) ишлов (пардоз) берувчи усталар пайдо бўлишди<sup>102</sup>. Табиий пардоз-андозларнинг бугунги локомотиви бўлган жаҳон косметология индустрияси турмуш тарзимизнинг муҳим қисмига айланди<sup>103</sup>. Ҳозирги кунда кўплаб илмий - текшириш институтлари, косметология-диагностика марказлари, косметика маҳсулотлари билан савдо қилувчи махсус савдо фирмалари, дўконлари,

<sup>97</sup> Ўз МА. Р-596-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 42-варақ.

<sup>98</sup> Бинафша Нодир. Хапамет ва гулбанд безаклари маънолари // “Санъат”, 1(42) 2003.-Б.-6.

<sup>99</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси.-Б.-157.

<sup>100</sup> Бу маълумотлар Соҳибов Раҳматулло томонидан сўровлар натижасида олинган.

<sup>101</sup> Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX-начала XX в. // Костюмы народов Средней Азии. -М.: “Наука”, 1979.-С.-149.

<sup>102</sup> Ахабадзе А.Ф., Васильева М.С. Пособие для мастеров маникюра и педикюра.-М.: “Высшая школа”, 1989. -С.-44,56.

<sup>103</sup> Орлова Л. Тайны красоты.-М.: «Община»,-1992.-С.-4.

дорихоналари пайдо бўлган<sup>104</sup>. Бугун илмий адабиётларда пардоз - андоз ибораси ўрнига “косметика” сўзи ишлатилмоқда<sup>105</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири-XXI асрнинг биринчи чорагида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда рўй берган ўзгаришлар, тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг ривожланиши, кишилар дидининг ўсиб бориши, турфа маданиятларнинг тўқнашуви, шунингдек, глобаллашув жараёнининг кучайиши кийим-кечаклар, тақинчоқлар, пардоз-андозлар ва косметиканинг тадрижий ривожланишига олиб келди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Минтақа аҳолиси таомлари, пазандачилиги ва ошхона анжомларидаги анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиги”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи параграфида аҳолининг миллий таомлари, уларни тайёрлаш усуллари ҳамда минтақага хос маҳаллий таомлар ареалининг кенгайиши ва замонавийлигининг акс этганлиги ёритилган.

XIX аср охири -XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон аҳолиси таом тайёрлаши, пазандачилиги ўзига хос хусусиятига эга эди. Дехқончилик билан машғул ўтроқ аҳоли рационидан асосан дон-дунли ҳамда сабзавотли таомлар кенг ўрин олган бўлса, ярим ўтроқ чорвадор аҳоли эса қатик-сут, ёғ, гўшти кўпроқ истеъмол қилган<sup>106</sup>.

Дехқончилик билан шуғулланган аҳоли кўпроқ тоғ ва тоғолди худудларида Қашқадарё, Катта Ўра дарё, Кичик Ўра дарё, Яккабоғдарё, Оксув, Сурхондарё, Шерободдарё, Хўжанқондарё, Тўпалангдарё каби дарёлар билан суғориладиган жойларга донли экинлар ва сабзавотлар экиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирган, чорвадор аҳоли Қарши-Ғуздор чўллари, Сурхон-Шеробод даштликларида чорвачилик билан шуғулланганлар.

Академик К.Шониёзов ўзбек миллий пазандачилигини пайдо бўлишини қуйидагича таърифлайди: “XVIII аср -XIX аср ўрталарида ўзбек халқининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркиби хилма хил бўлган. Ўтроқ аҳоли таомномасида қадимдан деҳқончилик маҳсулотлари кўпроқ ўрин олган бўлса, ярим ўтроқ ўзбекларда эса кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари. Аммо ўзбек аҳолисининг бу икки қисмининг (ўтроқ ва ярим ўтроқ), қўшилиши (ассимиляцияси) натижасида XIX аср ўрталарида (таомлардаги) фарқ аста-секин йўқолиб борган, бу эса ўзбек умуммиллий таомларининг пайдо бўлишига олиб келган”<sup>107</sup>. Бу трансформацион жараёнлар, айниқса, кўпроқ шаҳарларга яқин қишлоқларда кузатилади<sup>108</sup>.

Худуд аҳолиси суюқ овқатларида сабзи, шолғом, пиёз, ошқовоқ каби сабзавотлардан кенг фойдаланган. Худудда XX аср бошларидан картошка,

<sup>104</sup> Марголина А, Эрнандес Е. Новая косметология. М.: «Косметика и медицина», т. I. 2005. - С. 383, 391.

<sup>105</sup> “Косметика” (юнонча – косметика (kosmetika)– пардоз қилиш, безаш санъати, кишилар қиёфасини хушрўйлаштириш чора тадбирлари ҳамда воситалари мажмуи. Uz. Wikipediya. Ожегов.С. И. Толковый словарь русского языка. – М.: 1984. – С. 201-202.

<sup>106</sup> Турсунов.С.Н.ва бошқ. Сурхондарё-этнографик макон.–Т.: “Академнашр” –2012. –Б.-106.

<sup>107</sup> Шаниязов К.Ш. Одежда и пища: История Узбекистана. Т.3. ( XVI в.-I-я половина XIX века).–Т.: Фан, 1993.–С.-329; Маҳкамов Г.М., Погосянц А.И., Савикин С.Н. Ўзбек нонлари.–Т.: 1961.–Б.-32;

<sup>108</sup> Дала ёзувлари. Қарши атрофидаги Худойзод, Ороловул, Термиз атрофидаги Чигатой, Саллибод қишлоқлари. 2017-2018 йиллар.

карам, помидор, баклажон ва бошқа сабзавотлар ҳам истеъмол қилина бошлаган<sup>109</sup>. Айниқса, бу сабзавотларни Термизнинг руссийзабон аҳолиси кўплаб ишлатган<sup>110</sup>. Аҳоли озиқланишида таомлар билан меваларнинг ва ширинликларнинг ҳам муҳим ўрни бўлган. Қашқадарё боғдорчилигининг ривожланишида Жўйбор хўжалари катта роль ўйнаганлар, улар томонидан кўп боғлар барпо этилган<sup>111</sup>. Худудда боғдорчилик ва узумчилик кенг ривож топган. Боғларда мевали дарахтларнинг кўплаб турлари экилган, манбаларда ўша вақтдаёқ ўтроқ аҳоли ҳатто цитрус мевалар етиштиргани ҳақида маълумотлар бор<sup>112</sup>.

Сурхон воҳасида етиштирилган ўрик (зардоли) бошқа вилоятлардагига қараганда ширинлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб турган. Бу ўрик навини XIX аср охирларида Термиз туманининг Саловат қишлоғида яшовчи Бузрукхон эшон қўшни Афғонистоннинг Балх вилоятидан олиб келиб эккан. Сурхон воҳаси ширинликларидан новвот, парварда, кунжут, ҳолва, сочок ҳолва (пашмак) айрим ҳудудлардагина тайёрланган. Масалан, новвот ва парвардалар Шерободда, ҳолвалар турлари Денов ва Бойсунда кўпроқ тайёрланган. Термиз тумани Каптархона қишлоғида ва Амударё бўйида яшаган туркманлар кунжут ҳолвани яхши тайёрлаганлар.

Минтақада, асосан, қўй, эчки гўштини тановул қилишган. Чорвадор аҳоли қорамол гўштини деярли истеъмол қилмаган. Чорвадор аҳоли ҳаётида ўрганилган даврда гўштли таомлар билан бир қаторда сутли таомлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Сутли таомлар сигир, қўй, эчки, туя ва бия сутларидан тайёрланган.

Минтақа аҳолиси озиқ-овқатлари трансформациясида бозорларнинг муҳим ўрни бор. Термизда XX аср бошларида 20 тадан ортиқ бозорлар бўлиб,<sup>113</sup> уларда маҳаллий аҳоли томонидан турли хилдаги саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган<sup>114</sup>. Бу бозорларда белгиланган нархларга амал қилинмаган. 1928 йилда Сурхондарё округида 1 пуд буғдойнинг қатъиян белгиланган нархи 2 рубл бўлса, Шеробод туманида буғдой 3 рубл, Термиз шаҳрида 3 рубл, Юрчида 4 рубл, Бойсунда 2,75 рублга сотилган<sup>115</sup>. Қарши ҳудуди чорва моллари бозорининг йирик савдо марказига айланган бўлиб, бир кунда 6 000 дан 15 000 бошгача чорва моллари киритилган<sup>116</sup>.

Худудда 1950-йилларда озиқ-овқат саноати юзага кела бошлаган. Денов ёғ-экстракция заводи 1943 йилда, Қарши ёғ-экстракция заводи 1955 йилда,

<sup>109</sup> Кубаков К. XIX аср охири - XX аср бошларида Юқори Қашқадарё қишлоқ аҳолисининг этник таркиби. Тарих фан.ном...дисс.-Т., ЎзРФА ТИ, 1973.-Б.-60; Народы Средней Азии и Казахстана.Том.I.-М.: Наука, 1962.-С.305,307.

<sup>110</sup> Ўз МА. 2-жамғарма, 2-рўйхат, 1990-иш, 34-варақ.

<sup>111</sup> Демизон П.И. Записки о Бухарском ханстве // Отчеты П.И.Демизона и И.В.Веткевича.-М., Наука.-С.-77.

<sup>112</sup> Абдураимов В. Очерки аграрных отношении в Бухарском ханстве в XVI- первой половине XIX века. том. I.-Т.: «Фан», 1996.-С.-258.

<sup>113</sup> Аманова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар (XIX аср охири - XX аср бошлари).-Т.: “Yangi nashr”, 2013.-Б.-34-35.

<sup>114</sup> Ўз МА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 711-иш, 9-10-варақлар; Ўз МА. И-3-жамғарма, 1-рўйхат, 181-иш, 57-варақ.

<sup>115</sup> Ўз МА. Р-837-жамғарма, 1-рўйхат, 79-иш, 35-орқа варақ.

<sup>116</sup> Ўз МА. И-1-жамғарма, 34-рўйхат, 54-иш, 15-варақ.

Шаҳрисабз консерва заводи 1978 йилда вужудга келган, 1980 йилда Китоб вино заводи Шаҳрисабз вино-ароқ заводида айлантирилди. Шўрчи ун заводи 1980 йилда, Денов консерва заводи 1970 йилда ишга туширилди, охиргиси 1976 йилда у пиво заводи билан бирлаштирилди<sup>117</sup>. Қашқадарё ва Сурхондарё озиқ-овқат саноати 1980 йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган узум виносининг 13 фоиздан ортиғини, консерваларнинг 22 фоизини берар эди<sup>118</sup>.

Совет ҳокимияти йилларида умумий овқатланиш корхоналарига катта эътибор қаратилди. 1917 йил 8 ноябрда “Умумий овқатланиш-жамоа ошхоналарини ташкил қилиш ҳақидаги қарорга имзо чекилди. 1930 йилларда Жанубий Ўзбекистонда ҳам умумий овқатланиш тармоқлари (ресторан, ошхона) пайдо бўлган ва бугунгача ривожланиб келмоқда. Шўролар даврида умумий овқатланиш тармоқлари ўз мақомига кўра 3 категория (тур) га бўлинган: 1.Ресторанлар; 2.Кафе ва Буфетлар; 3.Ошхоналар. Улар ўз навбатида: маълум гуруҳдаги кишиларга хизмат қилишига кўра ишчилар, талабалар, мактаб ўқувчилари ошхоналари. Ошхоналарда бир кун «Рыбный день», -“Балиқ куни” бўлган<sup>119</sup>.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг ривож топишида деҳқонларнинг улкан ўрни бор. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деди: “Деҳқон деганда, бепоён далалар, боғу-роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томошалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимизда намоён бўлади”<sup>120</sup>.

Хуллас, минтақа аҳолиси таомлари, пазандачилик ва меҳмонновозлик маданияти минг йиллар давомида шаклланган. Ҳудуд аҳолиси таомлари набобат (ўсимлик) таомлари, гўштли таомлар, сутли таомлар, ширинликлар ва ичимликларга бўлинган бўлиб, уларнинг хилма-хиллиги, ҳудуднинг иқлим шароитлари, аҳолининг хўжалик фаолияти моддий таъминоти иқтисодий имкониятлари билан боғлиқдир.

Тўртинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Аҳоли хонадони ошхона анжомлари ва улардаги трансформацион ўзгаришлар*” деб номланади. Маълумки, таом тайёрлашда ошхона анжомлари муҳим ўрин тутган. Ҳудудга европаликлар келгунига қадар маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишланган уй-рўзгор буюмлари ва ошхона анжомлари ички ва ташқи бозорни имконият даражасида таъминлаб турган бўлса-да, бироқ кейинроқ ўсаётган рақобатга

<sup>117</sup> Худойкулов Ў.К.Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланиши, муаммолари ва натижалари (1970-1980 йилларида жанубий вилоятлар мисолида).т.ф.н.илм.дар.олиш.учун ёзилган диссертация.—Т., 2010.—Б.-23-24.

<sup>118</sup> Худойкулов Ў.К. Ўзбекистонда енгил ва озиқ-овқат саноати....—Б.-33.

<sup>119</sup> Қаранг: Ушбу маълумотлар Раҳимов Муродхон Саидмусаевичдан олинди. У Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат институтини битирган, мутахассислиги Мухандис-технолог. 1986-1991 йилларда. Термиз шаҳар умумий овқатланиш корхонаси бўлими бошлиғи.

<sup>120</sup> Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 10 декабрь №248 (6942).

бардош бера олмай қолган<sup>121</sup>. Дастлаб шаҳар ва туман марказларига, сўнгра 1930-40-йиллардан бошлаб қишлоқ жойларга алюмин ва чўян қозонлар, идиш-товоқлар, тоғора, офтоба, қошиқ, чўмич ҳамда мисдан ясалган самовар ва чойнаклар кириб кела бошлаган. Баъзи манбаларда, четдан келтирилган идиш-товоқлар маҳаллий ҳунармандлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатган дейилсада, аслида уларнинг қўл меҳнатлари эвазига яратилган асл моллар юқори баҳоланган. Бозорда бир дона чойжуш 6 рубл, мисқозон 7 рубл, лаъли 10 рубл, чойнак 4 рубл, капгир 3 рубл<sup>122</sup>, челак 8 тангадан сотилган<sup>123</sup>. Бўлиб ўтган инновацион жараёнлар аҳолининг турмуш тарзида катта аҳамият касб этиб, қулайликлар туғдирган ва уй хўжалигига сезиларли таъсир кўрсатган<sup>124</sup>.

Ошхона идишлари тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч, олма, заранг, ўрик, зирк дарахтларидан тайёрланган<sup>125</sup>. Минтақада аҳоли турмушида уй хайвонларининг терисидан қилинган идишларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Асосан бундай идишлар ҳудуднинг чорвачилик билан шуғулланувчи ярим ўтроқ аҳолиси томонидан кенг қўлланилган. Чунки теридан қилинган идишлар кўчиб юришда қулай бўлган, сопол идишлар каби синмаган<sup>126</sup>.

